

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносиб қўтиб олиш, бу қўтлуғ сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни ҳалқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақиллигининг бекиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиqlансин.

2. Республика комиссияси "Бу байрам - барчамизники, бутун халқимизники" деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.

3. Мустиқиллик байрамига бағишланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтариш, руҳ ва кайфиятда, ташкилий, гоёвий-бадий жиҳатдан юксак савидада, аҳолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиш учун "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

Ушбу тадбирлар режасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

истиклолнинг ёш авлод тақдирини, уларнинг замонавий дунёқараш, билим ва тафаккур, фаол граждандлик позициясини шакллантириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини, йигит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш борасида эришаётган ютуқларини, аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эл-юрт таяничи бўлиши оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури доирасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттириш;

мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, юртимиз шухратини

дунёга тараннум этиш, ёшларимизни барқамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш;

истиклолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъият-эвоғига қўлга киритилгани, кенг қўламли ислохотларимиз моҳият эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усул-усуллар орқали еритиш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги тўб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётга онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик фазилатлари тобора кучайиб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртанги таъриққетимизнинг асосий шарти ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб бериш.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўп қаватли уйлар атрофида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиклолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқий асарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиqlасин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустиқиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустиқиллигига бағишланган "Энг улғу ва энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотиға номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгиланган кўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойларда ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан мустиқиллигининг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофчида еритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВТошкент шаҳри,
2007 йил 30 май

Бола қаровсиз қолмасин

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва барқамол инсонлар этиб воғга етказишга, ҳаётнинг барча баҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жорий йилда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси, болаларни мактабга ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этиш, таълим соҳасини модернизациялаш ва унинг моддий-техник таъминотини янада яхшилашга эътибор қўйилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг узвий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Бош прокуратура томонидан БМТнинг Болалар жамғармаси (UNICEF) билан ҳамкорликда ташкил этилган болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилишга доир масалаларга бағишланган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Анжуманда мамлакатимиз таълим тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар уларга имкон қадар кўмак беришда. "Ғуломов Алмат", "Эшқобилов Каҳрамон", "Орзиқулов Тошпўлат" сингари фермер хўжаликлари, қатор тадбиркорларимиз бундай хайрли ишларни асло эсдан қайрмайдиганлардан. Шу билан бирга, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ҳам иш олиб

жуд, бунга аксарият ҳолатларда оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлмоқда. Ҳар йили икки ярим мингдан зиёд ота-она воғга етмаган фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи шахс сифатида профилактика ҳисобига олинади.

Оилавий зиддиятларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганига қарамастан, оилавий ажримлар суръати юқорилигига қўлмоқда. Кўпчилик ҳолларда никоҳнинг бекор қилиниши натижасида ўсимирларнинг яшаш ва тарбияланиш муҳитида рўй берган салбий ўзгаришларга мослаша олмаганликлари оқибатида болалар назоратсиз қолаётир.

Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавий тарғибот маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" ва "Sen yolg'iz emassan" жамғармалари масъул ходимлари иштирок этган тадбирда болаларнинг назоратсиз қолиши ва улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид долзарб масалалар муҳофаза қилинди. Қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу борада зарур амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳоржнинг илгор тажрибасини оммалаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бехзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Юрагимизнинг бир парчаси

- дейди Меҳрибонлик
уйининг ҳар бир аёли,
аммо...

Меҳрибонлик уйи ҳовлисида стулчага маҳкам ўрнашиб ўтирган қизалоқ эътиборимни тортди. У бутун оламни унутган кўйи қўлидаги оппоқ қоғозга нималарнидир берилиб чизар, ҳозир қушлар ҳам, салқин шабада ҳам унга халал бермасликка тиришаётгандай эди, назаримда. Гарчи қоғозга нима чизаётганини билгим келса-да, ички бир ҳис қизалоққа халал беришимга йўл қўймади. Унинг ёнидан жимгина ўтиб, очик эшикдан ичкарига кирдим.

Хлебущкина номдаги 22-Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари Хурсаной Холовани болалар даврасида учратдим. Турли ёшдаги турли миллат болалари ўзбек тилида чугурлашиб, унга нималарнидир тушунтирмоқчи бўлишар, ҳамма ҳар тарафдан сўзлагани учун уларнинг ҳеч бирини англаб бўлмасди.

Ҳозирда Меҳрибонлик уйида турли миллат вакиллари билан иборат 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 100 нафарга яқин бола тарбияланмоқда. Оилавий тарбия концепцияси асосида бу ерда болалар ўзларини оила шароитида яшаётгандай ҳис қилишлари учун катта-кичик ака-ука, опа-сингилдек бир муҳитда ўлғайишади. Уларнинг яшашлари, таълим олишлари, тўғаракларда шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё, аммо... Меҳрга ташна кўзларга боққанингда, ундаги маъноси, нигоҳларда қотиб қолган соғинч тилда сўролмайдиган сўроққа жавоб қутгандек туюлади.

Дераза қаршисида тугунчасини бағрига маҳкам босиб турган қизнинг исми Нисо экан. Хурсаной опанинг айтишича, бу қизалоқ ҳар кун онасининг йўлига кўз тикиди. У билан гаплашгим келиб, саволга тутдим. Нисо қимтинибгина жавоб беради. Унинг сўзлаш оҳангида ҳам аллақандай кемтикликни сезаман.

Орамизда шундай одамлар ҳам борки, улар меҳрибонлик уйини бола боқишга мажбурий жой, деб билишади, - дейди қуюниб Хурсаной Холова. - Яқинда бир аёл келиб, ўғилчасини шу ерга топширмоқчилигини айтиб қолди. Са-



бабини сўрасам, ўзи ишлаб пул топиш учун узок юртга кетмоқчи экан, ўғлига қарашга ҳеч қимй йўқ эмиш. Унга аччиқ сўзлар айтдим, аммо аёлнинг қиёфасида бир тук ўзгармаганидан, англаб етдимки, бундайлар ҳаётимизнинг гули - фарзанд қадрини ҳали тушуниб етишлари гумон. Тушуниб етган вақтда эса кеч бўлади.

Гоҳида янглишганидан бир фарзандини иккинчисининг исми билан қақирадиган ота-оналар ҳам бор, лекин бу ердаги тарбиячиларнинг, таъбир ҳозир бўлса, оналарнинг юзга яқин ўғил-қизлари исминини унутиб қўйишмаганига қўйил қилиш керак.

- Бу ердаги ҳар бир бола ўзига хос. Мана Сарваржон... У ниҳоятда эҳки ўткир, тиришқоқ бола. Жамолддин келгусида юрист бўлмоқчи, Эльвара ҳам энг аълочи қиз. Шаҳзода бўлса... Бу қизни кичкиналигидаёқ онаси Меҳрибонлик уйига ташлаб кетган. У кўз олдида катта бўлди, - дейди Хурсаной опа. - Унинг дардли йиғиси ҳар қандай тош қалбни ҳам еритиб юборади. Бу қизнинг йиғисидан соғинч бор. Шаҳзода ҳали-ҳануз Меҳрибонлик уйида яшашини тан олгиси келмайди. Ҳозир у 16 ёшда. Шунча йилдан кейингина онаси телефон қилиб, қизини йўқлади. Билмадим, энди Шаҳзода уни қабул қилармикан?

Бу савол мени ҳам ўйлантириб қўйди. Иккинчи турмуш қуриш ниятида қизалоқини Меҳрибонлик уйига ташлаб кетган онага ўша пайтда фарзанд керак бўлмаган-ку. Бугун ўша қизалоқ ўн олти ёшда. Ўн йилдан ошқик вақт мобайнидаги айрилиқ мурғак қалбга азоб бериб келди, бу азоблар унутилармикан?

Ана шундай саволлар билан андармон бўлиб ҳовлига чиқдим. Қизалоқ расм чизиб бўлган чоғи, қўлидаги қалами ерга тушиб кетган, ўзи эса жилмайганча қоғозга тикилиб ўтирарди. У чизган расмга зимдан мўралайман. Кенг дала, ўт-ўланлар, тоғлар ортидан қуёш чарақлаб чиқаяпти, ўртадаги қизкина ниҳол эса кўкка бўй қўзиб турибди.

Орзукул РУСТАМОВА,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.Ҳасан ПАЙДОВЕВ ва Бахтиёр АҚРАМОВ
олган суратлар.Шу мавзудаги мақолаларни газетамизнинг
2-саҳифасида ўқийсиз.

35 ёш оиланинг ҳар бирига 30 сотихдан ер

Маҳаллада шунча янги деҳқон хўжалиги пайдо бўлди

- Республикамиз раҳбарияти томонидан маҳаллаларга жуда катта эътибор қаратилмоқда, - дейди Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Гулсум Хуррамова.

Маҳалладаги ишлар, ўзгаришлар билан танишар эканмиз, мактаб спорт майдончасида жисмоний машқлар бажараётган ёш йигит-қизлар эътиборимизни тортди.

- Бу Акмалжоннинг шоғирдлари, - дея таъриф берди маҳалла фуқаролар йиғини раиси. - Акмал Маҳмудов ўқини битириб келга-

нидан сўнг спорт тўғраги очиш нияти борлигини билдирди. Бу тақдирини бажонидил қабул қилдик ва тез орада мактаб маъмурияти билан келишиб, шарт-шароит яратиб бердик. Ҳозир спортнинг кик-боксинг тури билан шугулланиб келишмоқда. Шунингдек, байрамларда спортнинг ку-

ҚАРОР ВА ИЖРО

дарё воҳасига таниш, десам муболага бўлмайди.

2006 йилнинг 23 мартида мамлакатимиз раҳбарининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни қўлай-

тиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

Маҳалламизда 8 та кам таъминланган оилага ҳомийлар томонидан қорамоллар берилди. Худудимизда 162 та фермерларимиз бор бўлса, уларнинг барчаси кам таъминланганларни, ногиронларни йўқлаб, уларга имкон қадар кўмак беришда. "Ғуломов Алмат", "Эшқобилов Каҳрамон", "Орзиқулов Тошпўлат" сингари фермер хўжаликлари, қатор тадбиркорларимиз бундай хайрли ишларни асло эсдан қайрмайдиганлардан. Шу билан бирга, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ҳам иш олиб

бораёпмиз. Яқинда шу мақсадда 35 та ёш оилага 30 сотихдан ер ажратилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, тўртта оила оилаларда ҳуқуқатимиз томонидан шугулланади. Шунинг баробарида, улар миллий анъаналаримизнинг зардўзлик, каштачилик сирларини бошқаларга ҳам ўргатиб келишмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, бугун маҳаллаларда ҳуқуқатимиз томонидан юритилаётган сиёсат ўз инъикосини топмоқда ва бундан барча баҳраманд бўлмоқда.

Дилшод УЛУФМУРОВОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қашқадарё вилояти



Жаҳон банки раҳбарлигига янги номзод

Оқ уй маъмурияти Жаҳон банкининг раҳбарлигига Роберт Зеллини тавсия этди.

АҚШнинг собиқ давлат котиби уринбосари Роберт Зеллик номзодини банкининг 24 кишидан иборат директорлар кенгаши кўриб чиқади. Директорлар кенгаши 53 ёшли Зеллини кўллаб-қувватласа, 30 июлда курсисини бўшатишга Пол Вулфовиц ўринини эгаллайди.

Яқинда Пол Вулфовиц билан юзага келган можаролар унинг муддатидан аввал истеъфого чиқишига сабаб бўлди. Вулфовиц ўз вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда қўл остида ишловчи бир аёл ходимини ноқонуний равишда юқори лавозимга кўтарган ва маошини бир неча баробарга оширган.

Танкдаги хунрезлик

Покистоннинг шимоли-шарқидagi Танк шаҳрида муҳим қотиллик содир этилди.

WAPDA давлат энергетика компанияси раҳбарининг уйда 13 нафар одам номалум шахслар томонидан отиб ўлдирилган. Махаллий ОАВ тарқатган хабарларга кўра, ҳондон эгаси Пир Авангезб, унинг оила аъзолари ва 7 нафар меҳмон тунда ўлдириб кетилган. Айтилган даъвода жиноятчиларнинг топилш учун ҳукумат армия кучини жалб этган.

Танк шаҳри Афғонистонга яқин бўлгани боис ушбу хунрезликни чегара ҳудудда фаолият юритувчи жангарилар амалга оширгани тахмин қилинмоқда.

Бошлиқлар қиморхонага бормайди

Хитой давлати юқори лавозимли ходимларининг чет элларда қиморхона ва кўнгилочар жойларга ташриф буюриши ман этилди.

Ҳукумат қарорига биноан, мамлакатнинг барча ташкилот ва идоралари ходимлари иш юзасидан чет элда сафарда бўлган вақтларида ана шундай жойларга боришларидан тийилиши лозим. Ахс ҳолда, тартиббузарлар бутунлай хорижа чиқишдан маҳрум бўлиши, партия сафидан ўчирилиши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ходимларнинг чет элдаги ҳаракатини уларга бириктирилган гуруҳ вакиллари кузатиб боради.

Ҳукумат расмийларининг таъкидлашича, бундан қўзланган мақсад хорижада Хитой давлати обрўига путур етказмаслиқдир.

Сув тақчиллиги - фожиа

Жанубий Осетия пойтахти Цхинвалида ичимлик суви муаммоси жиддий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мана бир неча кундирки, шаҳар аҳолиси тоза ичимлик сувидан бебаҳра қолмоқда. Ичимлик суви маҳсусларида фақатгина марказий туманларга тарқатилмоқда. Марказий шифона вакиллари сўзларига кўра, шаҳар эпидемиологик инқироз ёқасига келиб қолган.

Сув таъминлиги боис, ҳатто, беморларни операция қилишга имконият бўлмапти, - дейди шифокор Нодар Кокаев.

Цхинвалидаги ичимлик суви муаммоси Грузия қишлоқларидан ўтувчи асосий Едис - Цхинвали магистраль сув қувурларида юзага келган носозликдан сўнг пайдо бўлган. Жанубий Осетия расмийлари сўзларига кўра, грузияликлар бу қувурлардан ўз биланларича фойдаланишлари шундай муаммони келтириб чиқармоқда.

Харирий ўлими бўйича халқаро трибунал

БМТ Хавфсизлик кенгаши Ливаннинг собиқ бош вазир ўлими юзасидан халқаро трибунал ташкил этиш резолюциясини қабул қилди.

Ливан собиқ бош вазир Рафиқ Харирийга нисбатан содир этилган суиқасдини ўрганивчи халқаро трибунал резолюциясини ХКНинг 10 нафар доимий аъзоси кўллаб-қувватлаган.

2006 йилда Харирий автоконтинент миналаштирилган автотомобилга дуч келиб, портлаб кетган эди. Оқибатда, Харирий ва бир неча киши ҳалок бўлган. Ушбу жиноят юзасидан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар махсус комиссияси текширув олиб борди, бироқ бирор бир жўли натижага эришилмади.

Олтинлар кимники?

Испания АҚШдан "Одиссей" компанияси томонидан Атлантика океанидан топишган хазинани талаб қилмоқда.

Шу йилнинг 18 майда Американинг "Одиссей" компанияси хазина изловчилари Атлантика уммон остидан бундан 400 йил аввал қўйиб кетган Британия кемаси қолдиқларини топишганди. Маълум бўлишича, кема юқонисиди 17 тонна, қиймати 500 млн. доллар бўлган олтин ва қумуш тангалар мавжуд экан.

Испания ҳукумати вакилларининг сўзларига кўра, "Одиссей" командаси Атлантика океанининг Испанияга қарашли ҳудуддан бу хазинани топган ва маълумотларни кир тугатган. Айтилган даъво АҚШнинг ҳарбийлашган полицияси ҳаро кучлари хазина топишган ҳудудда текширув ишларини олиб бормоқда.

Шифокор президент

Латвиянинг янги президенти этиб 52 ёшли шифокор Валдис Затлерс сайланди.

Валдис Затлерс парламентнинг 58 нафар депутати овозига эғалик қилиб, голийбликни қўлга киритди. Парламентдаги унинг асосий рақиби ҳуқуқшунос Айвар Эндзиньш учун эса 38 нафар депутат овоз берган. Латвиянинг амалдаги президенти Бирке Фрайберг хоним ҳам шифокор Валдис Затлерс номзодини кўллаб-қувватлаганини маълум қилган.

Фрайберг шу йилнинг 7 июнида ўз ўрнини Затлерсга расмий бўшатиб беради.

Бола ўғирлаш эпидемияси

Россиялик ота-оналар бола ўғирларидан жиддий таҳдиқка тушмоқдалар.

Май ойининг ўзида Россиянинг турли ҳудудларидида ўнга яқин 80 бола ўғирлаб кетилди. Уларнинг аксарияти ваҳшийларча ўлдирилган. Бундай жиноятлар кун сайин ортиб бораверар экан, россиялик ота-оналар ҳукуматга жиддий талаблар билан мурожаат қилишда давом этишмоқда. Бироқ Россия милицияси бу каби жиноятларга чек қўйишда оқимлик қилмоқда. Мамлакат ички ишлар вазирлиги маълумотича, ҳар йили Россияда 12-16 минг бола ўғирлади. Уларнинг аксарияти ўз хоҳишига кўра уйдан қочиб кетса, айримлари ўғирлар тузюгига тушади.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Бугун ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни буюк бобо-калонларимизга муносиб ворислар, Ватан келажаги учун астойдил жон қўйиладиган ҳақиқий инсонлар қилиб тарбиялашдек муҳим вазифа катта авлод зиммасида. Ушбу ҳаётий масалани ҳал этишда мактабча тарбия муассасалари муҳим ўрин тутаяди. Бу борада ЭЛЛИҚАЛТА туманида ҳам катта юмушлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

Айниқса, мактабча тарбия муассасаларининг ривожланиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлашдек ишларни ҳаётга изчил татбиқ этишда замона талаблари даражасида ёндашилаётгани эътиборга лойиқ. Туманимиздаги мавжуд нафша", "Лола", "Наврўз" боғчаларида жажжи ўғил-қизларимиз беғубор болалик гаштини суришмоқда. 3 та мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳодимлари ҳам болалар тарбияси билан мунтазам машғул.

"Шодлик" мактабча тар-

ерда йил-ўн икки ой витаминга бой қўқатлар, полиз экинлари, ҳар хил гул навлари, лимон етиштирилади. Икки-та ҳовуз муассаса ҳовлисини мўътадил ҳаво билан таъминлайди. Боғчанинг жонли бурчаги ҳам жажжи кичкинтойларнинг сеvimли дам олиш маскани.

Яқинда туман ҳокимининг қарори билан болалар боғчаси Махсус мактабча таълим муассасасига айлантирилди, дейди Жумагул Раҳимова. Эндиликда муассасамиз икки йўналишда: нуткида нуқсон бор ва заиф эшитувчи болалар билан ҳам иш олиб бора-

Ниҳол бошдан тўғри ўссин

Бу вазифа катта авлод зиммасида

70 та умумтаълим мактаблари билан бир қаторда, мактабча таълим муассасаларининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури" асосида фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, дейди халқ таълими бўлими мудири Фарход Ибодуллоев. - Мустақиллик йилларидан бошлаб 6 та болалар боғчалари қайта тикланди, 3 таси эса хашар йўли билан қурилди. Айтилган 15 та мактабча таълим муассасаларида 63 нафар юқори маалаки мутахассислар фаолият олиб боришапти. Бўстон шаҳридаги "Шодлик", шунингдек, "Би-

бия муассасаси Бўстон шаҳрининг қоқ марказида қойлашган. 280 ўринга мўлжалланган мазкур даргоҳга мактабча таълим муассасалари иши жонқуяри, ҳалол меҳнатлари учун "Шуҳрат" медали соҳибаси Жумагул Раҳимова мудирилик қилади. Боғчада болаларнинг энг қизиқадиган машғулоти - инглиз, рус тили, мусиқа, қаратз, кураш, шахмат-шашка тўғаракларидир. Бу ерда ҳар бир тўғарак иши мутахассис тарбиячилар ва ўқитувчилар томонидан жонли ва кўргазмали тарзда олиб борилади. Боғча ҳудудидида иссиқхона ҳам ташкил қилинган бўлиб, бу

ди. Шунга кўра, бу ерда логoped хонаси ташкил қилиниб, нуткида камчилиги бор ва заиф эшитувчи болалар билан яқка тартибда ва 12 нафар ўғил-қизлар билан жамов бўлиб машғулотлар ўтказилади. Ақчақул овулидаги "Наврўз" болалар боғчаси ҳам қўриқ туман билан тенгдош, яъни 1977 йили ишга туширилган. Икки қаватли муҳташам ушбу бино 140 ўринга мўлжалланган бўлиб, муассасага чорак асрилик педагогик тажрибага эга Қизилгул Одилова раҳбарлик қилмоқда. Бу масканда кечяги қўлуварларнинг набиралари, яъни 100

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!

нафардан зиёд жажжи ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча имкониятлар яратилган.

2007 йил - Ижтимоий ҳимоя йилида тарбияланувчиларимиз учун ҳақиқий амалий юмушлар олиб боришмоқда, - дея таъкидлайди Қизилгул Одилова. - Ҳомийларимиз доимо ҳол-аҳолиимиздан бохабар бўлиб туришади. Қизларгул Тўраева, Гулҳеҳра Бойберганаева, Гулнора Боймуродова, Комила Утегенова каби тарбиячи қизларимиз эса



Болаларга беринг дунёни

ҚАШҚАДАРЁДА 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида ташкил этилган ҳафталик давомиди ниҳоятда ранг-баранг тадбирлар ўтказилди.

Истироҳат боғларида қизикarli маъданий-маърифий, кўнгилочар учрашувлар бўлди. Атракционларда болаларга бепул хизматлар кўрсатилди.

Шунингдек, Қарши шаҳри ва туманлар марказий ўйингоҳларида ёшлар спорт фестивали, коллежалар, мактаблар ва кўпубоноларда ижодкорлар билан учрашувлар ташкилланган.

Фахридин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Хом ашё салмоғи ортади

БУХОРО вилояти пиллачилари қайта ишловчи корхоналар билан тузилган шартнома мувофиқ, 2750 тоннадан зиёд "қумуш тола" тайёрлаб, иш ва сўз бирлигини таъминладилар.

Эришилган ютуқда, айниқса, Ромитан, Вобкент, Олот, Бухоро туманлари қасаначиларининг ҳиссаси катта бўлди.

Эллик минг нафар пиллачи-қасаначи-манфаатдорли-тутзорлари нинг моддий гини ошириш, кенгайтириш, хом ашёни қайта ишлаш корхоналари қувватларини ошириш йўлидаги ишлар ўз самарасини берапти. Чунончи, ҳозиргача ялли ҳосил салмоғи ўтган йилдагига нисбатан 200 тоннага кўпайди. Яна бир диққатга молик далил. Бултўр мамлакатимиздан хорижага экспорт қилинган ипак толасининг ўттиз беш фоизи бухоролик қайта ишловчилар ҳиссасига тўғри келганди. Вилот "Пилла" бирлашмаси мутасаддиларининг билдиришларича, Бухоро ипак толасига Эрон, Хитой, Туркия, Хиндистон каби давлатлар корхоналари харидор. Жаҳон бозоридаги талабнинг ошиши пилла етиштириш салмоғини ҳам кўпайтиришга ундамоқда. Чунончи, 2010 йилга бориб, вилотда пилла хом ашёси салмоғини уч ярим минг тоннага етказиш мўлжалланган.

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Қасби тумани "Пилла" МЧЖ жамоаси бу йил 918 тонна хом ашё қабул қилиб олади. Айтилган етиштирилган ҳосил қабул пунктига пешма-пеш етказиб бериляпти. Уни қабул қилиб олишда ходимлардан Лола Равшанова ва Зебо Барноева (суратда) хом ашё сифатига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Аҳвол қалай, ҳусусийлашган корхона...

Қаюмжон Умаррасуловнинг мутахассислиги - гидротехник-ирригатор. Қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида Олтиариқ туманидаги "Ўзбекистон" ҳўжалигида самарали фаолият кўрсатиб, деҳқончиликдаги тажрибаси, янгилликлари билан нафақат туманда, балки Фарғона вилоятда танилган. Оила аъзолари билан биргаликда илгари фойдаланилмаган адирини ўзлаштириб, бодом, ўрик ва бошқа мевагли дарахтлар экишган, боғ яратишган эди. Қ.Умаррасулов ҳозирги пайтда худди шу янги ерлар ҳисобига ташкил этилган "Исломобод" фермер ҳўжалигига етакчилик қилмоқда.

Унинг эл орасида тилга тушишининг яна бир сабаби бор. Қ.Умаррасулов қарийб ярим асрдан бери туман, вилот, республика газеталарида, бошқа оммавий ахборот воситаларида ўзининг хабарлари, лавҳалари, қимматли тажрибалар ҳақидаги таҳлилий мақолалари билан фан қатнашиб келмоқда. Иригация, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларни андази ривожлантиришга тааллуқли фикр-мулоҳазалар баён этилган, муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлифлар билдирилган, бунинг учун қайси мутасадди идораларнинг аразлуви зарурлиги қайд қилинган мақолалари алоҳида аҳралиб туради. Шу ўринда унинг "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририяти билан ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери изчил давом этиб келаётган ижодий ҳамкорлигидан бир-икки мисол келтириш жоиз.

Қ.Умаррасуловнинг куз, қиш ва айниқса, баҳорги серегин пайтда қириқ-адирлардан оқиб келадиган обихоётнинг тўплаш мақсадида барпо этилган селхона, баъзи гидротехник иншоотлар талаб-ехтиёгига жавоб бермай, айрим жойлари лойкага тўлиб қолганлиги ва бошқа бир қатор муаммолар боис бу ерда қайта қуриш ишлари амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги таҳлилий мақоласи кўпчилик эътиборига тушганди. Муаммога иригатор мутахассис сифатида ёндашганлиги тўғрйли масала моҳиятига чуқур кириб борган ва қимматли тақлифларни ўртага ташлаганди. Шу боис, мақолада кўтарилган масалалар тегишли ташкилотлар томонидан ижобий ҳал қилинди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги хом ашёсини тайёрлаш ва

корхонаси ҳам унча узоқ эмас. Иккинчиси - шу ҳудудда аҳоли зич яшайди, корхонага имкон қадар кўпроқ ишчи-хизматчиларни жалб этиш имконияти мавжуд. Бу эса кишиларни иш билан таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Учинчиси - Файзиобод по-сёлкеси Фарғона водийсининг қўлгана минтақаларини боғловчи катта автотрасса ва темир йўл яқинида жойлашганлиги тўғрйли хом ашё таъминоти ва тайёр маҳсулотларни буюртмачиларга жўнаштиришда катта қўлайлик туғдиради. Ана шундай омиллар тўғрйли корхона тараққиёт этган, 600 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилган, 60 дан ортиқ турли русумдаги машина-механизмлар ва бошқа техника воситаларидан унумли фойдаланилган.

Корхонанинг қандай маҳсулотларига талаб-ехтиёж катта эди? - Қарьердан бевосита қурилиш объектларига ва комбинатнинг ўзига тош-шағал ҳамда бошқа бинокорлик материаллари узлуксиз етказиб бериларди. Корхонада шебень ва шу сингари ашёлар тайёрланиб, темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқари-

ладиган цехларга узатиладиган. Бу жараёнда йигирма турга яқин маҳсулот тайёрланарди. Темир-бетон плиталар, түсинлар, устунлар, уларнинг таянч мустаҳкамлашчилари ва бошқа конструкцияларга талабдор кўп эди. Айниқса, узунлиги 18 метрли том ёпиш конструкциялари гоёт нодир ҳисобланади. Фарғона вилоятда йигирмадан зиёд, Олтиариқ туманида 4 та спорт мажмуаларини қуриш белгиланган. Агар Файзиобод қишлоқ қурилиш масъулияти чекланган жамияти фаолияти изга туширилса, барча қурилишларга, шу жумладан, спорт иншоотларига зарур ашёларни, хусусан, 18 метрли том ёпиш конструкцияларини етказиб бериш мумкин бўлур эди.

Газетхонни сўз юритишдаги корхона ҳозир қимнинг тасарруфидида эканлиги қизиқтириш табиий. У тадбиркор Соли Мирзажоновга қарайди. Турму, у яхши ният билан иш бошла-

ганди. Лекин, халқимиз айтганидек, ҳолва деган билан оғиз чучмайди. Ишининг кўзини билиш, қурилиш соҳасидан яхши хабардор бўлиш, жамоанинг бошини қовуштириш олиш талаб этилади. Шулар ўрнига қўйилмаганлиги ва бошқа сабабларга кўра корхонада иш орқага кетди. Катта корхонанинг ишлаб чиқариш мажмуаси бир неча йилдан бери ишлатилмаган. Ваҳоланки, ушбу корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштиришда тааллуқли ҳужжатларда мажбуриятлар билан бўлган қонунлардан келиб чиқадиган талаб ва мажбуриятлар ўз ифодасини топган эди.

Олтиариқ тумани ҳокимлиги ва тадбиркор С.Мирзажоновга "Бу корхона қишлоқнинг қайта изга тушириш бўйича бирор чора қўйилмапти?", деган савол билан мурожаат этдик. "Корхонанинг барча цехларидаги асбоб-ускуналар эскирганлиги сабабли ҳозирда таъмирлаш ишлари қўйилган. Корхонанинг асосий хом ашёси бўлган қазилмағоғи (қарьер) тугатилганлиги сабабли бунинг учун ер майдонини ахратиш масаласи туман ҳокимлиги томонидан ҳал этилиш арафасида. Ҳозирги вақтда Бекобод металлургия комбинати, Қувасой цемент комбинатлари билан хом ашёлар масаласи ҳал бўлмақда ва корхонани тез кўнларда ишга тушириш чора-тадбирлари қўйилмоқда", деган маъмулда жавоб олинди. Тадбиркорнинг бу сафарги ҳаракатлари балки бирон самара берар. Худди шундай сўзлар кўп йиллардан бери бўлаётганлиги, бироқ амалий натижа кўзга ташланимаётганлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Холбуки, туманда шу йўналишда ишлаб, юқори натижаларга эришадиган корхоналар бор. Бунга 1-ПМК маъсулияти чекланган жамияти жамоасини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Раҳматжон Эркабоев етакчилигидаги мазкур ташкилотда 2002 йили асосий воситалар 21.2 миллион сўмлик эди. 2006 йили эса 892.5 миллион сўмликдан ошди. Тўрт йил илгари 108.3 миллион сўмлик иш бажарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4.8 миллиард сўмни ташкил этди. 2002 йили қурилиш ташкилотда 101 киши ишлагани, 2006 йили уларнинг сони 438 нафарга етди. Бажарилган иш микёси, тўрт ездан зиёд киши бунёдкорликка жалб этилгани тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўйиладиганлиги кўрсатади.

Суннат САЙДАЛИЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. Фарғона вилояти

ХАБАРЛАР

Самандар отанини сазовати

БОҒОТ туманидаги "Барчин" фермер ҳўжалиги раҳбари Самандар ота Сапаев тумандаги ота-онасиз болалар ва кам таъминланган оила-лар фарзандлари учун хайрият тадбир ўтказди.

Мазкур фермер ҳўжалиги ҳомийлигида ўттиз нафар бола-жонлар кўҳна Хива ва Урганч шаҳарларига сайхат қилдилар. Қадимий обидаларини томоша қилган болалар Урганч шаҳридаги Амир Темур номли ва "Авесто" боғларида хордик чиқардилар. "Барчин" фермер ҳўжалигининг сўлим гушасида улар учун ўтказилган байрам тадбирида болажонларга совғалар улашилди.

Раҳбарлар беллашганда

Хоразм спорт мажмуасида вилотдаги спорт мактаблари ва интернатлари раҳбарлари ўртасида спорт мусобақалари беллашуви бўлиб ўтди.

Натижаларга кўра, 45 ёшгача бўлган раҳбарлар ўртасида Урганч туманидаги "Пахлавон" болалар спорт мажмуаси директори Ойбек Пиримов, Хива тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби филиали директори Ибодулло Юсупов ғолиб келиди. Катта ёшдагилар гуруҳида эса Шовот тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Наримон Худайберганаев ҳамда вилот халқ таълими бошқармасига қарашли ёшлик спорт жамияти раисининг ўринбосари Рафат Шахматов ғолиблар сафидан ўрин олиб, ташкилий қўмитанинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Соғломлаштириш мавсуми тарадудини

Бу йил вилот бўйича ташкил қилинган 38 та оромгоҳда ҳар смедана 3460 нафар ўқувчини ёзги дам олиш учун шароитлар ҳозирлаб қўйилган. Шунингдек, Ташкент вилояти оромгоҳларига минг нафар хоразмлик ўқувчилар соғломлаштириш учун юборилди.

Яқинда ХОНҚА туманидаги "Гайрат" болалар оромгоҳида бўлиб ўтган семинарда болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига қандай тарадуд қўйиладигани ҳақида сўз борди. Касаба уюшма ташкилотлари вилот бирлашмаси, вилот халқ таълими бошқармаси вакиллари семинарда болаларни соғломлаштириш ишларини амналули ташкил қилиш бо-расидаги вазифаларга тўхталдилар.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. Хоразм вилояти

Қишлоқ мулкдорлари ҳаётидан

“Қўлимизни қаёққа узатсак етади!”

Бугун фермер ва тадбиркорнинг шундай дейишга ҳаққи бор

- * “Мирсоат”нинг 90 миллион сўмга сотиб олган комбайни ўзини оқлади.
- * Қишлоқ мулкдорининг қўлини узун қилган “Пахта банк”

МИРЗОАБОД туманидаги “Мирсоат” фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Ориповни пишиб етилган ғалла бошқоқлари енгил шабадада оҳиста тебраниб турган пайкалда учратиб қолдик. Унинг ҳосилдан кўнгли тўқ, кайфияти баян эди.

— Утган йили ғаллаликдан 12 миллион сўм соф фойда олган эдик, — дейди қишлоқ мулкдори Б.Орипов. — Бу йил 60 гектар ерда дон етиштириб, қўриқлаб соф фойдани 15 миллион сўмдан оширишни кўзлаб турибмиз. 2006 йили “Пахта Банк”нинг Сирдарё вилояти бошқармаси кўмағида лизинг орқали Германиядаги “Клас” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Доминатор-130” русумли ғалла ўриш комбайнини қарийб 90 миллион сўмга сотиб олганлигимиз жамомизга жуда қўл келди. Даламиздаги донни қисқа муддатларда саранжомлаб олиш билан бирга, бошқа фермер хўжалиқларига пуллик хизмат кўрсатиб, 17 миллион сўм даромад кўрдик. Ана шу маблағнинг ҳаммасини сотиб олинган комбайн суммасини қоплашга йўналтирдик. Бундан ташқари, ҳар ойда 4 миллион сўмлик лизинг фойдасини ҳам мунтазам равишда тўлаб бораёямиз. Бу йил ғалла ўрим-йиғимида бошқа фермер хўжалиқларига ҳосилни саранжомлашда 30 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатишни ният қилганмиз. Пахтачиллик ва бошқа соҳаларда ҳам салмоқли натижаларга эришяёямиз. Мисол учун бу йил пахтачиликнинг ўзидан 45 миллион сўмдан зиёд соф фойда олишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Қўриқлиб турибдики, имкониятларимиз катта. Қаёққа қўл узатсак, етади! Бу ошириб-тошириб айтилган гап

эмас. Биз учун ғамхўрлик кўрсатаётган, зарур шарт-шароитларни яратиб бераётган Президентимизга, республика ҳукуматига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бундай ибратли мисолларни сирдарёлик фермерлар ҳаётидан қўлаб келтириш мумкин. “Пахта Банк” Сирдарё вилояти бошқармаси, унинг бўлимлари ҳодимлари техника воситаларини кредит ва лизинг ҳисобига олиб беришда мулкдорларга яқиндан кўмак беришмоқда. 2006 йили ва жорий йилнинг ўтган даврида 12 та “Доминатор-130” русумли ғалла комбайнлари сотиб олиниб, фермерларга берилганлиги ҳосилни саранжомлашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу техника воситалари учун 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Булардан ташқари, 2007 йилнинг ўтган қисқа даврида банк бўлимлари томонидан 542,6 миллион сўм кредит ажратилиб, фермерларга ўнлаб ҳайдов, қатор ораларига ишлов берадиган тракторлар, тиркалмалар ва бошқа техника воситалари олиб берилди.

Молия муассасаси тадбиркорларни қўлаб-қувватлашда ҳам намунали ишларни амалга оширишмоқда. Жумладан, Гулистондаги “Машхура-М” кичик корхонасига ажратилган 6 миллион сўм кредит ҳисобига тикув машиналари ва дастгоҳлар сотиб олиниб, ўн нафар кишига янги иш ўринлари яратилди. Яқка тартибдаги тадбиркор Ж.Акрамшоевага чорвачиликни ривожлантириш учун уч йил муддатга берилган 2 миллион сўмлик кредит ҳам ўринли ишлатилмоқда. Сотиб олинган икки бош соғин ситир, тўрт бош ёш қорамоллар ҳисобидан гўшт

ва сут етиштириш сезиларли даражада кўпаяди. Шунингдек, Г.Худойкулова, Б.Абдурахмонова, Б.Атабаева, Г.Чиллибоева сингари тадбиркорлар ҳам банк кўмағи билан яхши натижаларга эришмоқдалар.

Тадбиркор аёллар ҳар хилдан қўлаб-қувватланаётганлиги, уларга кредит маблағлар ажратилаётганлиги ишни жонлантиришда қўл келаяпти. Меҳнат жамоалари аъзоларининг 50 фоиздан зиёди хотин-қизлардан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъектларга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шундай микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжалиқларидан 22 тасига қисқа муддатда 192 миллион сўмдан зиёд кредит берилди. Бу мақсулоти ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, унинг сифатини янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратишга имконият туғдирмоқда.

— Кейинги йилларда ширкат хўжалиқлари тугатилиб, уларнинг ерлари фермерлар тасарруфига берилди, — дейди “Пахта Банк” Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Усанов. — Ана шу жараёнда мижозларимиз сафи сезиларли даражада кенгайди. Илгари 200-250 мижозга хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 7000 тадан ошиб кетди. Хизмат кўрсатишни мижозларга янада яқинлаштириш мақсадида минибанклар тармоғи тобора кенгайтириляпти.

Банк кредитларини ажратишда уларнинг кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилиши диққат марказида бўлмоқда. Хусусан, 2007 йилнинг ўтган даврида кредитларнинг 64 фоизи қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришга ажратилганлиги ҳам бундан далolat беради.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида 2007 йилги номзодлар орасида ўнлаб йиллар давомида фидокорона меҳнат қилиб, илмий изланишлар олиб бораётган А.Хоназаров, Ш.Юсупов, З.Новицкий, Е.Ботман ҳамда Г.Чернова каби олимларимизнинг борлигини кўриб, уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп йиллик кенг қамровли тадқиқотлари ҳаёлимдан кечди. Уларнинг илмий изланишлари бугунга келиб ўз мевасини кўрсатаётди.

Эрозия ҳолатларининг олдини олишда тоғ ўрмонларининг ўрни беқийс. Тоғ ёнбағри ҳудудларида селлар, жалалар тупрокни ювиб, эрозияни юзага келтириши оқибатида экинзор-

қаришга муваффақиятли жорий этилаётди.

Масалан, бугунги кунда тоғли ҳудудларда 200 минг гектардан ортиқ майдонда эрозияга қарши дарaxтлар

ги кунда халқроқ микёсдаги катта муаммодир.

Денгизнинг қуриган ҳудудидида бутали дарaxт ўсимликлари ўтқизиш йўли билан дефляция (шамоқ ва тўфонлар оқибатида тупроқ таркиби бузилиши) жараёнларини қамайтириб, бу катта фожиянинг олдини олиш мумкин. Айни пайтда мазкур дарaxтзор ўсимликлардан аҳоли хўжалик фаолиятида фойдаланиш имкони ҳам туғилади. Бу энг амалий усулдир.

З.Новицкий раҳбарлигидаги илмий гуруҳ Ороқ денгизининг қуриган ҳойларида ўрмон мелиорацияси-

нишиди. Жумладан, улар томонидан қуруқ (арид) минтақаларда деҳқончилик ландшафтини барқарорлаштириш борасида муҳофаза қилувчи ўрмонзорлар ўрнининг назарий масалалари ишлаб чиқилди.

Илмий изланишларга кўра, химоя қилувчи ўрмон ҳудудлари нафақат тупроқ эрозиясида шамоллар тасирини қамайтиради, балки ҳудудлараро дала-лардаги микроклимат шароитларини яхшилаётди.

Г.Чернова томонидан қарийб ўттиз йилдан ортиқроқ муддатда писталарни танлаш ва истиқболли навларини

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида номзодлар

Табиат муаммоларининг табиий ечими бор

лар, сув омборлари ва аҳоли яшайдиган қишлоқ ёки овуллар жуда катта экологик ҳамда иқтисодий зарар кўради. Ўрмонлар бундай пайтда таянч вазифасини ўтайди. Дарaxт ва буталар билан қопланган ҳудудларда ёмғир сели тупроқни кам ювади, жарлик эрозияси кузатилмайд.

Сув ифлосланишининг олдини олувчи энг самарали воситалардан бири ҳам ўрмонлардир.

Шу сабабли, бугунги кунда ўрмонни тоғли ҳудудларнинг тупроқ эрозияси ва тошқин хатарларининг олдини олувчи восита сифатида ҳар томонлама ўзлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш долзарб вазифага айланган. Ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон ФА муҳбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори А.Хоназаров раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар 1976 йилдан буюн илмий изланишлар олиб бормоқда. Уларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида яратилган бир қанча тавсиялар эндиликда ишлаб чи-

ўтқазилган. Улар нафақат тупрокни ювилиб кетишидан сақлайди, балки тоғли минтақаларнинг хўжалик ва мелиоратив салоҳиятини янада юксалтиришга ёрдам беради.

15 йил давомида қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ш.Юсупов раҳбарлигида ўрмон мелиорацияси усуллари билан яёловлар унумдорлигини ошириш бўйича, асосан, жануби-шарқий Қизилқум минтақасида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Турли хил тупроқларда яёлов-ўтлоқларни сақловчи ўрмон ҳудудларни яратиш технологияси, шунингдек, яёлов сақловчи ва мелиоратив-хашакбоб ҳудудларни жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилган. Чўл-биёбон шароитида яёловларда хашакбоб ўсимликлари унинг уруғи орқали табиий тарзда кўпайтиришнинг бутунлай янги усули ҳам яратилди. Агар бу усул амалиётта татбиқ этилса, яёловлар унумдорлиги бошқа ўтлоқларга қараганда 10-15 баробар ортади.

Маълумки, Ороқ масаласи бугун-

ни татбиқ этиш борасидаги 25 йиллик тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, факатгина бутали дарaxт-ўсимликлари билан денгиз фожиясини жоловлаб, Ороқбўйи минтақасидаги турмуш тарзини яхшилаш имкони бор. Бу борада турли хил қашқабеда майдонларини яратиш янги технологияси ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Мазкур гуруҳ 10000 гектар илмий-тажрибавий кўчатзор барпо қилди. Қорақалпоғистонлик ўрмончилар эса, шу усул асосида дефляцияси энг хавфли шароитларда 225478 гектар ўрмон кўчатзорлари бунёд этдилар. Сувнинг қуриган сатҳида ўрмон яратилса, ундан асаларчилик, чорвачилик, туячилик, паррандачилик ва бошқа хўжалик соҳаларида фойдаланиш мумкин бўлади.

Е.Ботман иштирокида бир гуруҳ олимлар эса Ўзбекистоннинг сўғорилмаган ва лалми майдонларида дала сақловчи ўрмонзорлар яратишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ўрга-

ўштириш тадқиқ этилди. Кўп йиллик илмий изланишлар самарасида пистанинг “Албина”, “Орзу”, “Тоғ жаҳоҳири”, “Октябрь”, “Дангаралик” каби маҳаллий навлари яратилди.

Ўзбекистоннинг тоғолди қуруқ минтақаларида писта дарaxтлари ҳосил бера бошлаганидан сўнг бозордаги писта нархини ҳисобга олинганда, бир гектар пистазордан 15 млн. сўмга соф фойда олиш мумкин. Шу боис, тоғолди лалми ерларда писта майдонларини барпо этиш қимматбаҳо писта маҳсулотлари ҳисобидан олинган даромаддан ушбу минтақанинг иқтисодий-тини кўтариб, халқимизни қимматли хом ашё билан таъминлашда муҳим омил бўлибгина қолмасдан, писта ёнғоқлари экспортини йўлга қўйиш имконини ҳам беради.

Хулоса қилиб айтганда, олимларимиз гуруҳининг кўп йиллик кенг қамровли изланишлари муносиб баҳоланишга лойиқ, деб ўйлаймиз.

Тоҳир ДОЛИЕВ,
журналист.



Замонавий жиҳозланган касб-хунар коллежларида минг-минглаб ўғил-қизларимиз илму хунар сирларини ўрганишяпти. Моҳир тикувчи бўлиш орузида Гулистон Маметова пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги Қуришли ва миллий хунармандчилик коллежиди тикувчилик йўналиши бўйича сабоқ олмоқда.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Янгиликлар

Илм сўз бўлди

“Тошкент — Ўш” автотўйлининг Қамчиқ домини ҳудудидидаги 18 километрик қисми таъмирланди. Бунинг учун 4,3 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Техникалар таъти

Янгиқўрган тумани ғаллакорлари жорий йилда 21 минг 900 тонналик ҳирмон яратиш учун меҳнат қилишмоқда.

Айни кунларда ўрим-йиғим таралдуи нихосига етди. Жумладан, 8 та “КЕИС”, 1 та “КЛАСС” комбайни, 150 га қкин транспорт воситалари мавсумга шай қилиб қўйилди.

Хусусий шифохона

Чортоқда хусусий шифохона иш бошлади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган “Саховат Шифо Мед” номли ушбу шифо масканида бир пайтнинг ўзига 50 нафар бемор ётиб, даволаиш имкониятига эга.

Машраб ҳафталити

Вилоятнинг шахар ва қишлоқларида анъанавий машрабхонлик ҳафталиги бўлиб ўтди.

Меҳнат жамоалари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юрларида шор иқодида бағишланган кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Машрабхонлик кўнларида маънавиятимизнинг кўпгина қирралари яна бир қарра намойиш бўлди.

Рустамхон УММАТОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Наманган вилояти

Мевали боққа кўз тикканлар кўп ...жумладан, ҳашаротлар ҳам

Ҳа, биз боғ-роғларимиз ноз-несматидан баҳраманд бўлиш учун унинг кушандаларига қарши курашишга мажбурмиз

Боғдорчиликда юқори ва сифатли ҳосил олишда ҳашарот ва касалликларга қарши самарали курашиш муҳим аҳамиятга эга. Бу иш илмий асосланган ҳолда олиб боришмаса, қўриладиган зарар ўнлаб миллион сўмни ташкил қилиши мумкин.

Боғларга олма мевахўри, шира, қалқондорлар, бир неча турдаги қаналар ва бошқа ҳашаротлар, ун шудринг, қалмараз, бактериял ва қора рақ, барглари-нинг кўнғир доғланиши, мева чириши каби касалликлар катта зиён етказиши. Олма мевахўри нок, беҳи, олхўри, шафтоли дарaxтларига ҳам зарар келтиради. Ушбу зараркуналдар совуқ пайтларда дарaxт пўстлоғи ёриқларида, тўқилган барглари остида, омборхоналар ва мева сақланадиган идилларда жон сақлайди. Ҳаво исигач, ғўмбақча айланида. Ундан чиққан қапалаклар дарaxтларнинг барглари, новдалари ва ғўра меваларга тухум қўйиб, кўпаяди. Шу боис, зараркуналдарларга қарши илоҳи борица барвақт ва самарали курашиш мақсадга мувофиқ.

Мавсумда икки ва тўрт авлод берувчи сиёҳранг ҳамда калифорния қалқондорлари мевали дарaxтларга кўпроқ зарар келтиради. Улардан зарарланган дарaxтларнинг ўсиши секинлашади, ҳосилнинг миқдори ва сифати кескин пасайиб кетади, айрим ҳолларда қуриб қолади.

Қўзил қон шираси фақат олма дарaxти барги ва илдиэлари билан озик-ланиб, катта зарар келтиради. Дарaxт новдаларида бўғимсимон шишлар ҳосил бўлади. Кейинчалик улар ёрилиб, яра ҳосил қилади ва новданинг баъзан дарaxтнинг ҳам қуриб қолишига олиб

келади. Бу ширанинг яна бир хавфли томони шундаки, у мавсумда 6-8 авлод беради.

Мевали боғларнинг яна бир ашаддий зараркуналдиси — қаналардир. Улар мавсумда 12-15 авлод таркатади. Канадан қучли зарарланган, дарaxт ҳосилининг миқдори ва сифати пасайиб кетади, баъзан ўсишдан тўхтади. Куртакларнинг ривожланмай қолиши сабабли келгуси йил ҳосилига ҳам жиддий хавф туғдиради.

Олма, нок дарaxтлари қалмараз билан касалланганда мевалар сифати кескин пасайиб кетади. Улар таркибида

МУТАХАССИС МИНБАРИ

қанд миқдори қамлиги сабабли истеъмолга яроқсиз аҳволга келади. Барглари, ёш новдалар ёрилиб кетади. Каттароқ шохларнинг пўстлоқлари қурий бошлади. Буларнинг барчаси дарaxтнинг қуриб қолишига олиб келиши мумкин. Ун шудринг билан касалланган ёш новдалар ўсишдан орқада қолади ва кам ҳосил беради. Дарaxтлар зичликлари қолганда бу касаллик, айниқса, хавфлидир.

Қора рақ билан касалланган дарaxтларнинг мевасида, буток ва таналарида дастлаб оч қулранг, кейинчалик қорамтир қулранг доғлар пайдо бўлади. Касалланган дарaxт қуриб қолади.

Юқорида айтиб ўтилган зараркуналдар ҳашаротлар ва касалликларга қарши кураш чоралари изчил олиб борилса, яхши натижа беради.

Зараркуналда ва касалликларга қарши кимёвий ишлов беришда қишлоқ хўжалигида ишлатишга рухсат

этилган дориларни қўллаш тавсия этилади. Улар инсектицид ва фунгицидлар билан бирга ишлатилса, самарали бўлади.

Боғларда дарaxтнинг қуёш ботадиган томонида олма мевахўрининг феромонли тутқиқларини гектарига биттадан ердан икки метр баландликда илиб чиқиш тавсия этилади. Уларга ҳафта давомида ўртача 5-7 дона олма мевахўри тушса, кимёвий ишлов бериш зарура-ти юзага келади. Ёзда бу кўрсаткич 2-3 дона бўлганда ҳам шу тадбирни қўллаш тавсия этилади.

Боғларда бошқа ҳашаротлар билан бирга қаналарнинг ҳам кўпайиши кузатишганда, кимёвий ишлов комплекс таъсир қилувчи инсектоакарицидлар — Циперфос, 55 % э.к. — 1,0 л/га, Золон 35 % э.к. — 2,0-4,0 л/га ва бошқалар билан ўтказилса, яхши натижа беради.

Боғ қаналарига қарши кимёвий ишловни бирмунча қўчатириш зарурати туғилганда дориларга Узмайт, 57 % к.э. — 1,5 л/га, Неорон 50 % к.э. — 1,5-3 л/га ва бошқа акарицидлар билан қўшиб ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Гектарига 20-30 килограмм миқдорида туюлган олтингурут қуқунни қангалтирса ҳам қутиланган самарани олиш мумкин. Ўсимликлари ҳимоя қилишнинг юқорида қайд этилган тадбирлари ўз вақтида бажарилса, зараркуналда ва касалликларга қарши курашнинг самарадорлиги ортади.

Аҳор САБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ўсимликлари ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори.
Маҳмуд ТОИРОВ,
лаборатория мудир.



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

омонатчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда навбатдаги янги “МАТОНАТ”, “ШОДИЁНА” ВА “ФАРОВОН ҲАЁТ” омонат турларини тақдир этади.

Жамғарилувчи “МАТОНАТ” омонати иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номига очилиб, уларнинг пенсия пулларини ҳар ойда нақд пулсиз ўтказиш орқали қабул қилиниб, сақланиш муддатидан қатъи назар **Йиллик 24 фоиз** ҳисобида даромад тўланади.

Фоиз даромади ҳар ойнинг 1-санасига ҳисобланиб, омонат қолдигига қўшилади ва омонатчининг биринчи талаби бўйича нақд пулда берилади.

Муддатли “ШОДИЁНА” омонатига маблағлар **3 ой** муддатга **Йиллик 22 фоиз** даромад тўлаш шарти билан қамиди **100 000 сўм** миқдориди нақд пулда қабул қилинади.

Жамғарилувчи “ФАРОВОН ҲАЁТ” омонатига маблағлар деҳқон ва фермер хўжалиқлари аъзолари томонидан нақд пулда ёки ойлик маошларини нақд пулсиз ўтказиш орқали амалга оширилади. Сақлаш муддати **6 ой**, фоиз даромади **Йиллик 21 фоиз**.

Омонатчининг истагига кўра хоҳлаган пайтда қўшимча бадаллар қабул қилинади.

Фоиз даромадлари ҳар ойда нақд пулда берилиши ёки омонатчининг хоҳишига кўра, фоиз даромадлари коммунал тўловларига ёхуд бошқа ҳисоб-китоб учун хизмат ҳақи олинмасдан ўтказиб берилиши мумкин. Мазкур омонат турларига маблағлар Халқ банкининг барча филиалларида қабул қилинади. Омонатдаги маблағларининг биринчи талабингиз бўйича берилиши таъминланади. **Халқ банкида аҳоли омонатлари дахлсизлиги Давлат томонидан қафолатланган!**

Сизни қизиқтирган қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: **173-99-95**

ХАЛҚ БАНКИ - СИЗНИНГ ОИЛАНИНГ БАНКИ!

МИНСК БЕЛАРУС

ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ “Беларус”

ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА

ВА УЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ТАҚИФ ЭТАДИ.

Манзиллими: Тошкент ш., Ботислава кўчаси, 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

АООТ “Тошқурилишматериаллари ЛИТИ” соошбаает о проведении годового общего собрания акционеро, которое состоит 29 июня 2007 г. в 10.00 часов по адресу: ул.Сукрот, 13. Реестр акционеро закрывается 5 июня 2007 г.

Повестка дня:

1. Утверждение годового отчета.
2. Утверждение регламента общества.
3. Утверждение аудитора общества.
4. Избрание ревизора общества.
5. Избрание Наблюдательного совета общества.
6. Назначение исполнительного органа общества.

С необходимой информацией, подлежащей представлению акционеро, можно ознакомиться по вышеуказанному адресу.

Наблюдательный совет общества

Бахалария ижодкор тухфаси!

Умида АБДУАЗИМОВА

Ғунчаларга ўйнайди шабнам

Ассалом, кўёш

Катта орзу-умидсан

Уйғотди сахарлар нуринг,
Табиатда тароват, ялла.
Яшаш завқин туяр шууринг,
Гузалигинг бамисли алла,
Ассалом кўёш,
Ҳаётга йўлдош.
Ғунчаларда уйнайди шабнам,
Қушлар янги кўшигин куйлар.
Қаршилайди жонажон маскан,
Соғлиқ - туман бойлик деб сўйлар.
Қадрдон мактаб,
Юрمان мактаб!
Дўстликдадир ҳақиқий туйғу,
Қўрмайғимиз шу боис қайғу.
Шодлигимиз чеки йўқ уммон,
Юз очавер, омад, биз томон.
Ассалом, ҳаёт,
Қўшиқ, куй, баёт!

Сен ўғилсан - отанга,
Бувагга набирасан.
Содиқ бўлиб аканга,
Йигит бўлиб борасан.
Биласан, тинчлик истаб,
Бувагга жангга кирганин.
Хотиржам кунни қистаб
Отанг елиб-юрганин.
Бувжонинг тилида
Бир калима, бир дуо:
-Раҳмон юрсин дилида,
Омон бўлсин доимо!

Опа, сингил, акангинг,
Укангинг қанотисан.
Онажонинг қувончсан,
Меҳрбахш ҳаётисан.
Набирасан, ўғилсан,
Ҳеч кимга бировмасан.
Сен ёшлик, дил чўгликан,
Сочдаги қировмасан.

Катта умид-орзусан,
Улғаясан эркин, хур...
Сен эртанга мавзусан,
Борлигинга ташаккур!



Юртимизда янгидан-янги бунёд этилаётган турли спорт иншоотлари шу соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлашни ҳам тақозо қилади. Қувонарлиси, бу йўналишдаги кўлаб ўқув даргоҳларида ёш спортсеварлар етук устозлардан сабоқ олишарди. Замонавий қулайликларга эга бўлган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежида мураббий Самандар Собиров дзюдо бўлимига раҳбарлик қилади. Суратда: мураббий Самандар Собиров талабалар билан машғулот ўтказаяпти. Б.АКРАМОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР

Қизлар атлас кийсалар...

Яқинда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабалар иштирокида "Хон атлас - миллий гуруримиз рамзи" мавзусида анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкилотчилигида бўлиб ўтган мазкур тадбирда институт олимларидан Э.Алимбоев, Г.Ҳасанбоева, М.Абдукаримова миллий либосларни тикишда қўлланадиган абриль газламалар, хон атласнинг яратилиши, уни тўқиш усуллари, бундай матоларга замонавий ишлов бериш хусусида сўзладилар. Хон атлас миллий гуруримизнинг бир рамзига айланганлиги, уни авлодлардан авлодларга етказиш маънавий бурчимиз эканлигини таъкидладилар.

Анжуманда хон атласнинг янги ва янада

сифатли турлари яратилганлиги, хусусан, ранги ўзгариб қолмайдиган шу турдаги атласлар борлиги ҳақида ҳам сўз борди. Шунингдек, ёшларимизда миллий либосларни кийишга ишתיқ ўйотишда катталар ибрат бўлиши лозимлиги тилга олинди.

Тадбир доирасида институт кўргазмалар залида миллий либослар намойиш қилинди.

Ханифа ЗОКИРОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.



Таомингиз тузланган... аммо тузингиз йодланганми?

Мазкур масаланинг ечими яқинда қабул қилинган Қонун билан назоратга олинди

Бугун йод танқислиги, шундай моддаси билан бойитилган озиқ-овқатлар хусусида кўп гапирилмоқда. Чунки йод етишмаслиги касалликлари энг кўп тарқалган хасталиклар сирасига киради. Ер шарида бир ярим миллиардга яқин аҳоли йод етишмайдиган ҳудудларда истиқомат қилади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, сайёрамизда 800 миллион киши қалқонсимон без катталашши (эндемик бўқоқ) билан касалланган. Улардан 45 миллиони ақлий жиҳатдан ривожланмаган.

Йод моддаси барча аъзоларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи гормонлар ишлаб чиқарадиган қалқонсимон безнинг мезёрада ишлаши учун асосий микроэлемент ҳисобланади, - дейди Эндокринология илмий-тектириш институти қошидаги клиника бош врачининг даволаш ишлари бўйича муовини Ҳабибахон Рустомова. - Мазкур касалликнинг энг ёмон оқибатлари, биринчи навбатда, аёлларнинг ўзига, ҳомиласига ҳамда ёш болаларга салбий таъсир этади. Хасталикнинг енгил кўринишида ҳам аҳолининг интеллектуал даражаси 15-20 фоизга пайсаяиб кетиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, йод микроэлементи ер қурраида бир хил тарқалмаган. У, асосан, денгиз ва уммон бўйи ҳудудларида кўпроқ учрайди. Инсоннинг бир кунлик йодга эhtiёжи ўртача 100-200 микрограммни ташкил этади. Бунга эса у, асо-

сан, истеъмол қиладиган озиқ-овқатларидан олади. Тупроғида йод тақчил бўлган минтақаларда етиштирилган мева-сабзавотларда ҳам бу микроэлемент кам бўлади. Ўрта Осиё, жумладан, юртимиз ҳам денгизга узоқ мамлакатлар сирасига киради. Шу сабабларга кўра мамлакатимизда йод танқислиги муаммолари мавжуд. Ўзбекистонда 25,7 миллион аҳолидан 1,29 миллиони эндокрин касалликлари билан диспансер рўйхатида туради. Уларнинг 60 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил этиши эса бу ҳолатнинг ниҳоятда жиддийлигини кўрсатади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, йод етишмаслиги касалликлари олддини олиш ва камайтиришнинг энг маъқул усули бу — ош тузининг умумий йодланишидир, - дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати

Департаменти бошлиғи Саидмурод Саидалиев. - Чунки, тузини барча истеъмол қиладиган озиқ-овқатларнинг тартиб-ҳисобини назорат қилиш, шунингдек, ош тузининг йодланиши унинг нархида деярли акс этмайди. Яна бир томони, аҳоли йодланган тузини фарқлай олиши керак. Бўлмаса, дўконлар, савдо пештахталари айрим урдуларон "тадбиркорлар" ишлаб

Давлат мавзу

чиқарган сохта "йодланган" ош тузлари билан тўлаверди. Натيجида, йод етишмаслиги касалликлари бар тарafd этиш, истеъмол олодини олиш, истеъмол олодини олиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2005 йил 26 сентябрда "Ўзбекистонда 2005-2009 йилларда йод танқислиги касалликлари олддини олиш ва камайтириш бўйича



давлат дастури" амалиётга жорий этилган. Шу йилнинг 3 май кунини эса "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида" йор Қонун қабул қилинди. Айтиш жоизки, ушбу ҳужжатда муаммонинг ечимлари кўрсати берилган, бу борада дастуриламал бўлди. Жумладан, мазкур қонуннинг 2-боби "Йод етишмаслиги касалликлари профилактика соҳасининг давлат томонидан тартиб-ҳисобини назорат қилиш, шунингдек, ош тузининг йодланиши унинг нархида деярли акс этмайди. Яна бир томони, аҳоли йодланган тузини фарқлай олиши керак. Бўлмаса, дўконлар, савдо пештахталари айрим урдуларон "тадбиркорлар" ишлаб

ларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга тааллуқли давлат стандартларини тасдиқлаш юзасидан назоратни тегишли вазирлик ва идоралар қўлга олдилар.

Инсон организмнинг йодга бўлган эhtiёжини таъминлашнинг энг арзон ва оммавий профилактикаси ош тузи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашдир. Шу маънода айтиш жоизки, ушбу қонун юртимизда инсон саломатлигини сақлаш йўлида амалга оширилаётган яна бир истиқболли кадам бўлди. Юрт келажиги бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш асосий мақсад. Зотан, Президентимиз ва республика ҳукумати йилнинг барча сай-ҳаракатлари айнан шу эзгу ниятга қаратилган.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ

Қўлаётган муштари

Қариндос экансизлар...

Қамоқхона ҳовлисида икки маъбус ҳар кун айланб юришарди. Уларнинг биттаси кўл соатини, бошқиси бирининг сигирини ўғирлаганини учун жазоланишган. Бир иккинчисида сўради:

- Сизнинг соатингизда қай вақт бўлдикини?

- Ҳа, энди, чамаси, сигирингизни соғадиган вақт бўлди-ё...

Икки ўғри денгиз бўйидаги майхонада ўтиришарди.

- Бугун тушликни қаҳвахонада қўлибсиз-да?

- Қаердан билдинг?

- Эгингиздаги пальто янги бўлиб қолди.

Хонадон эшигини ўғирлар тақиллатишди.

- Ким у?

- Қўрқманлар, меҳмон эмасмиз.

- Сен бу ерга нима учун тушдинг? - сўради маъбуслардан бири шеригидан.

- Тумов сабабли.

- Қандай қилиб?

- Жуда оддий: акса уриб юборганим, қоровул уйғониб кетди.

Сен мода билан ҳам қизиқсанми? - сўради бир ўғри модалар журналин кўриб ўтирган шеригидан.

- Албатта. Ахир мен энди кийимларнинг чўнтақларини қаерида қилиб тикишадиганларини билишим керак-ку!

Икки киссавур қамоқхонада сўхбатлашарди:

- Назоратчининг аjoyиб соати бор экан, қўрдингми?

- Ҳозирча йўқ. Олиб қўйган бўлсанг, кўрсата қол.

Адвокат даъвогардан сўради:

- Машинангизни айна меннинг ҳимоямдаги одам олиб қочганига ишончингиз қилими?

- Биласизми, сизнинг нутқингиздан кейин мен, ҳатто, машинам бўлганлигига ҳам шубҳаланиб қолдим.

Русчадан ҲАБИ СИДДИҚ таржималари.



Олмалиқ жамоаси чемпион

Тошкент шаҳрида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган гандбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиб ва соғирдорлари аниқланди. Чемпионликнинг ҳал қилувчи тўртинчи тур баҳслари марказий беллашувида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" ҳамда "Алгоритм" жамоалари куч синишиди.

Кескин ва мurosасиз курашлар остида ўтган ўйинда олмалиқлик қизлар бир неча бор Ўзбекистон чемпионлигига сазовор бўлган "Алгоритм" жамоаси устидан 23:21 ҳисобида зафар қўчиди. Мазкур баҳсдан сўнг ҳар икки жамоа ҳисобида ҳам бир хил - 44 тадан очко қайд этилди. Лекин тўплар нис-

батига кўра Олмалиқ шаҳри жамоаси турнир жадвалининг юқори поғонасини банд этиб, ўз тарихларидаги биринчи чемпионликни нишонлашди. Чемпионатнинг бронза медаллари эса 32 очко жамғарган "Ўзбекистон Миллий Университети" жамоасига насиб этди.

Улан-Батор курашчиларни қутмоққа

Ўзиде халқимизга хос танитил ва мардлик каби хислатларни юз этган миллий спорт туримиз кураш билан бугунги кунга келиб дунёнинг турли нукталарида шуғулланаётганлар сони салмоқли кўриниш олган десак, адашмаган бўламиз.

Деярли ҳар йили турли қитъаларда жойлашган давлатларда катта-кичик кураш мусобақалари ўтказилаётгани ҳам ўқоридаги фикримизга исбот бўла олади. Халқаро кураш ассоциацияси матбуот хизмати хабар беришча, кураш бўйича навбатдаги, олтинчи жаҳон чемпионати Мўғулистон давлати пойтахти Улан-Баторда бўлиб ўтади. Жорий йилнинг октябр ойида ўтказилиши режалаштирилган нуфузли мусобақага ҳозирдан қай-ергарлик бошланган.

Мўғулистон кураш федерацияси президенти Ганбаатор Бегзанин сўзларига кўра, жаҳон чемпионати қатнашчилари учун махсус кийимлар ва ғолибларга топириладиган совғалар тайёрлаш ишлари бошланган.

Эслатиб ўтамиз, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1999 йил Тошкентда ўтказилган. Шунингдек, 2000 йил Антاليا (Туркия), 2001 йил Будапешт (Венгрия), 2002 йил Ереван (Арманистон) ва 2005 йил яна Тошкент шаҳарлари ҳам кураш бўйича жаҳон биринчиликларига мезбонлик қилди. (Эронда) Пахлаван Махмуд хотирасига бағишланган аънавий "Пурейвалей" турнири ўтказилди. 29-31 июль саноларида Франциянинг Хендей шаҳрида кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа бўлиб ўтади.

Мўғулистон кураш федерацияси президенти Ганбаатор Бегзанин сўзларига кўра, жаҳон чемпионати қатнашчилари учун махсус кийимлар ва ғолибларга топириладиган совғалар тайёрлаш ишлари бошланган.

Эслатиб ўтамиз, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1999 йил Тошкентда ўтказилган. Шунингдек, 2000 йил Антاليا (Туркия), 2001 йил Будапешт (Венгрия), 2002 йил Ереван (Арманистон) ва 2005 йил яна Тошкент шаҳарлари ҳам кураш бўйича жаҳон биринчиликларига мезбонлик қилди. (Эронда) Пахлаван Махмуд хотирасига бағишланган аънавий "Пурейвалей" турнири ўтказилди. 29-31 июль саноларида Франциянинг Хендей шаҳрида кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа бўлиб ўтади.

„Сайна“ - Эрон чемпиони

Эрон Ислам Республикасида футбол бўйича миллий чемпионат ўз якунига етди. Сўнгги турда "Месан" 0:2 ҳисобида мағлубиятга учратган "Сайна" клуби чемпионликти қўлга киритди.

"Сайна" жамоаси ғалабасини таъминлаган голлари Аҳмед Моманзоде ва Эрон терма жамоасининг машҳур ҳужумчиси Али Даи киритишди. Натижда 30 ўйинда 56 очко жамғарган "Сайна" энг яқин таъқибчиси "Истиклол" (Ахваз)ни икки очкога ортада қолдирди. Ўтган йилги чемпион "Истиклол" (Техрон) эса 52 очко билан турнир жадвалини тўртинчи поғонада якунлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтамиз, Али Даи биринчи июнь кунини юртимизга келди. У иккинчи июнь санасида бўлиб ўтадиган Миржалол Қосимовнинг катта футбол билан хайрлашув учрашувида ЕвроОсиё термаси либосида майдонда тўп сурди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

ООО "BENRUZ-FOOD" зарегирированнй Собир Рахимовского района г.Ташкента ликвидирется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 398-49-04.

Урмон хўжалиги бош бoшқармаси ҳузуридаги Қўриқоналар, миллий табиий бoғлар ва oвчилик хўжалиги бoшқармаси жамоаси Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалиги директори Ҳoшим Разоковга oнаси ГУЛСАНАМ АЙНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456

Автотранспорт - кредит ва лизингга!

Россия Федерацияси "ГАЗ" ОАЖнинг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютери - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фурунлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Саид АХМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўқтам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агрoсаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котиббат - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87, Кабулхона - 136-58-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жамоабар:

① - тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи:

А. ҚУЛМУРОДОВ Сахифаловчилар: Р. ЁДГОНОВ, А. САФОНОВ, Сахихон: Х. ТОШХУҲАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-517, ҳажми 2 босма табак.

Офсет усулида босилди, қороз бичими А-2.

Босишга топириш вақти: 21.40. Босишга топирилди: 22.35. Адади - 17910

Газета тахририятининг ўзида компьютерда терида ва саҳифаланди.

"Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.